




International Scientific and Practical Conference on the
topic: "Sustainable Architecture – Challenges and
Achievement of the Present and Future"



ШАҲАРЛАР ТИЗИМИДА АНСАМБЛ ВА КОМПЛЕКСЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Маноев С.Б.

*Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети, Самарқанд, Ўзбекистон.
said.manoev@mail.ru*

Аннотация: Мақолада шаҳарлар тизимида ансамбл ва комплексларни шакллантириш ва такомиллаштириш муаммолари тадқиқ қилинган. Шаҳарлар тизимидаги жамоат марказларининг муаммолари ва ечимлари, шаҳарларнинг меъморий қиёфасини шакллантиришдаги ансамбл ва комплексларнинг роли баён этилган.

Калит сўзлар: ансамбл, комплекс, жамоат марказлари, барқарор шаҳарсозлик, меъморий қиёфа.

Кириш. Ҳозирги даврда инсониятнинг ярми – 3,5 миллиард киши шаҳарларда яшайди ва 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 60 % га етиши кутилмоқда. Шаҳарларнинг умумий майдони ер шари куруқлик қисмининг 3 % ни ташкил қилсада, умумий истеъмол қилинадиган энергиянинг 60-80 % ҳамда чиқариладиган карбонат ангидрид газининг 75 % шаҳарлар ҳисобига тўғри келади [1]. Шаҳарларда юз берадиган жараёнларни мувофиқлаштириш орқали улар истеъмол қиладиган энергия ва чиқариладиган карбонат ангидрид газининг эмиссиясини камайтириш мумкин. Нисбатан юқори зичликдаги шаҳарлар иқтисодий самарадорликни оширишга ва инновацион технологияларни қўллашга имконият яратади. Шаҳарларни барқарор ривожлантиришда инновацион технологиялар, самарали шаҳарсозлик тамойилларини қўллаш ҳамда комплекс ёндошишни талаб этади. Бугунги кунда жаҳон шаҳарсозлигида барқарор шаҳарсозлик ривожланишининг аспектларидан бири сифатида иморатларни ансамбль ва комплекс қилиб қуриш фаолиятининг тобора ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Шаҳарлар тизимида ансамбль ва комплексларни самарали шакллантириш транспорт йўлларининг қисқаришига ҳамда энергия сарфининг камайишига олиб келади. Бу тенденция айниқса Хитой, Жанубий Корея, Германия, Дания ва бошқа мамлакатлар мисолида ривожланмоқда. Хитойдаги Шанхай транспорт тугуни, Жанубий Кореядаги Сежонг маъмурий бинолар комплекси, Япониядаги Фукуока ва Кёто марказлари, Мамба паркс, Роппонги хиллс, Токио халқаро форуми комплекслари ва бир қатор университет комплекслари ўзида аънавий ва замонавий меъморчиликни мужассамлаштирган ҳамда ҳозирги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ансамбль ва комплексларни шакллантирган.

E-mail address: editor@centralasianstudies.org

(ISSN: 2660-6844). Hosting by Central Asian Studies. All rights reserved..

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон фармонида жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида тараққиёт стратегияси қабул қилинган [2]. Бунда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш, маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашуvidан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш тараққиёт стратегиясида белгилаб ўтилган.

Методлар. Кўтарилган мавзуга доир тарихий манбаларни, махсус илмий адабиётлар, ансамбль ва комплексларнинг тарихий фото суратлари, чизмалари, архив материалларини, бажарилган илмий тадқиқот ва лойиҳа ишларини, турли даврларда ва шаҳарларда қурилган жамоат бинолари ва уларнинг мажмуаларини қиёслаш ва илмий таҳлил қилиш, замонавий меъморий ансамбл ва комплексларнинг бадиийлигини оширишга қаратилган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шаҳарлар структурасида ансамбль ва комплексларни шакллантириш ва ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қўйидаги илмий натижалар олинган: шаҳарларда аҳолининг яшаши ва ишлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозликнинг янгича моделлари – яшаш ва иш жойларини боғловчи мобил тизимлар ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); барқарор шаҳарсозлик индикаторларини ҳамда регионал шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарлар марказларини комплекс ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилган (University of Cambridge, Буюк Британия); тураржой комплексларини инновацион ғоялар асосида лойиҳалаш-мультифункционал комплекслар яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган (Harbin Institute of Technology, ХХР); жамоат марказлари ва комплекслар архитектурасини глобаллашув шароитида ривожлантириш йўллари аниқланган (Kunming University, ХХР); университет кампусларини иқлим шароитига қараб лойиҳалаш тамойиллари ишлаб чиқилган (Yeoju Institute of Technology, Жанубий Корея); тарихий шаҳарларда ансамбль ва комплекслар атроф-муҳитини такомиллаштириш йўллари аниқланган (University of Tokyo, Япония); кўпфункционал комплекслар ҳамда юқори қаватли бинолар архитектурасини ўзаро мувофиқлаштириш тамойиллари ишлаб чиқилган (Москва архитектура институти, Россия).

Бугунги кунда дунёда шаҳарлар ва аҳоли пунктларида ансамбль ва комплексларни шакллантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: барқарор шаҳарсозлик тамойиллари (карбонат ангидрид гази ишлаб чиқарилишини камайитириш, транспорт йўллари қисқартириш) асосида бинолар комплексларини шакллантириш; глобал экологик ва

энергетик масалаларни архитектура-шаҳарсозлик комплекси позицияси томонидан ҳал этиш; ақлли архитектуранинг (биноларни муҳандислик тизимларининг дастурий ва техник воситалар орқали бошқариш) ривожлантириш ва шаҳарларни комплекс шакллантириш; шаҳарларни бадиий-эстетик жиҳатлари ҳамда функционал қулайлигини ошириш.

Натижа ва мунозаралар. Шаҳарсозликнинг шиддат билан ривожланиши натижасида, одамларнинг турмуши ва дам олиши учун сунъий муҳит яратиш муаммолари юзага келади. Бу муаммолардан одамларнинг эҳтиёжининг қондирадиган ва бадиий жиҳатдан уйғунлашган муҳитлар яратиш муаммоси келиб чиқди.

Ўз вақтида капиталистик мамлакатларда бу муаммони ечиш анча мушкул эди. Европа архитектор ва шаҳарсозлари шахсий мулкчилик шароитида шиддатли равишда ривожланиб борган шаҳар қурилишлари олдида ожиз бўлиб қолдилар. Социалистик жамиятларда бўлса, шаҳарсозлик режалаштирилган ва илмий асосланган ҳолда олиб борилди [3; 8-б.]. Аммо, шундай бўлса ҳам, шаҳарсозликда қатор камчиликларга йўл қўйилган эди. Жамоат марказларининг лойиҳалашда кўпроқ функционал ва моддий эҳтиёжларга эътибор қаратилиб, табиий шарт-шароитлар ва бинолар бадиий муҳитига иккинчи даражали масала сифатида қаралар эди. Бутуниттифок лойиҳа ишлари ва қурилишнинг типлаштирилиши натижасида шаҳарлар жамоат марказларида ва айниқса тураржой туманларида ўхшаш ва монотон қурилишлар юзага келди. Биноларни лойиҳалашда республикаларнинг табиий шарт-шароити ва халқларнинг асрий анъаналари ҳисобга олинмас эди. Жамоат марказларида ҳам типли биноларнинг қўлланилиши бу марказларнинг бир-бирига ўхшаш бўлиб қолишига олиб келди. Собиқ социалистик даврда ансамблсозлик тамойиллари тўлиқ ҳисобга олинмади.

Шаҳар, вилоят ёки туман маъмурий жамоа марказида аҳолига хизмат кўрсатадиган юқори аҳамият касб этадиган бинолар: маъмурий, томоша бинолари, маданий-тарбиявий, савдо-сотиқ бинолари ва бошқа бино ва иншоотлар жойлаштирилади. Ўзбекистон шаҳарларидаги маъмурий-жамоа марказлари таркибига вилоят, шаҳар ҳокимликлари бинолари, хўжалик бинолари, ғазначилик ва бошқа бошқармаларнинг бинолари жойлашган. Бундан ташқари, шаҳар марказида маданий-тарбиявий аҳамиятдаги бинолар (театрлар, кино заллари, кутубхоналар, клублар, музейлар) ва савдо мажмуалари жойлаштирилиши мумкин. Катта бўлмаган аҳоли яшаш пунктларида эса умумшаҳар маъмурий маркази сифатида, шаҳар майдонларидан бири танланиши мумкин. Йирик шаҳарларда маъмурий-жамоа маркази – ўзаро асосий кўча, яшил боғ-роғлар ва сув ҳавзалари билан боғланган майдонлар тизимидан (гуруҳидан) иборат бўлиши мумкин. Масалан, Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони, Хотира майдони ва Амир Темури боғи ўзаро боғланган тизимдан иборат.

Шаҳарсозликда агар жамоат марказлари бир нечта майдонлар гуруҳидан иборат бўлса, улар орасидан асосий майдонни доминант бинолар орқали ажратиш керак. Бу майдонда йирик маъмурий ва жамоа бинолари жойлашиб, одамлар билан гавжум бўлади. Шунинг учун бу майдон шаҳарнинг асосий ҳудудлари билан транспорт магистраллари билан яхши боғланган бўлиши керак ва бу майдонни шаҳарнинг ўртасида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шаҳар маъмурий-жамоа марказининг ҳудудини шаҳар транзит транспортдан ҳоли қилиш мақсадга мувофиқ.

Маъмурий-жамоа марказининг меъморий қиёфасида, у ёки бу даврнинг социал асоси акс

этади. Масалан: Собик шўролар даврида маъмурий-жамоа марказларида оммавий байрамлар учун кенг майдонлар қолдирилган. Маъмурий-жамоа марказлари турли даврда турлича бўлган: улар бинолар таркиби, шаҳар тарзида жойлашиши, ҳажмий-режавий ечими, меъморий-композицион ечими билан фарқ қилиб, шаҳар бошқа қурилишларидан ажралиб турган. Ўрта асрлардаги жамоат марказларида биноларни тантанали ансамбль тарзида жойлаштириш ва қолган биноларга нисбатан улкан ўлчамларда қурилиши анъанага кирган эди. Собик шўролар даврида жамоат ва хизмат кўрсатиш бинолари турларининг кўпайиши туфайли маъмурий-жамоа марказларини ҳам турлича лойиҳалаш ва қурилишига сабаб бўлди. Жамоат марказининг бош режалари, бинолар таркиби, шаҳар катталиги ва марказнинг жойлашишига боғлиқ. Масалан, кичик ва ўрта шаҳарларда агар йирик саноат корхонаси бўлса, маъмурий-жамоа маркази завод яқинидаги майдонда ёки у билан қўшиб лойиҳаланиши мумкин. Йирик шаҳарлар яқинидаги аҳоли яшаш пунктлари ва йўлдош шаҳарларда маъмурий-жамоа марказини вокзал яқинидаги майдонга жойлаштириш мумкин. Йирик шаҳарларда маъмурий-жамоа маркази ривожланган кўринишга эга бўлади ва кенг тармоқланган майдонлар тизимидан иборат. Жамоат марказлари майдонлар, бульварлар, транспорт тугунлари ва магистрал кўчаларининг мураккаб боғланишидан иборат. Ҳозирги даврдаги тараққиёт замонавий шаҳарлар асосини маъмурий-жамоа маркази ташкил этадиган, янги поғонали тизим асосида шаҳар қурилишини олиб боришни тақозо этади. Жамоат марказлари тизимининг биринчи поғонаси кичик туман марказлари ҳисобланади. Бу марказларда кундалик маданий-маиший ва ҳўжалик бинолари жойлашади (болалар боғчаси, мактаб бинолари, бирламчи зарурий маҳсулотлар дўкони, спорт майдончалари). Тураржой туманлари таркибига савдо иншоотлари, клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар, оммавий овқатланиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари киради. Саноат туманлари ва оммавий дам олиш жойларида маъмурий-жамоа марказининг таркиби алоҳида талаблар асосида аниқланади.

Жамоат марказларининг қурилиш амалиёти шуни кўрсатадики, уларнинг таркиби ва режасини қаттиқ чеклаш керак эмас. Жамоат марказлари турли хилдаги лойиҳа асосида, бинолар таркиби ва маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Жамоат марказлари бутун шаҳар қурилишларини бирлаштирувчи тугун ҳисобланади. Жамоат марказларисиз шаҳар бўлақлар ва алоҳида қисмларга ажралиб, ягона ғояга бирлашмайди. Жамоат марказлари шаҳар ташкил этилиши ва ривожланиши билан ривожланган. Масалан, Самарқанднинг Регистон майдони шаҳар шаклланишида пайдо бўлиб, ривожланди. Жамоат марказлари монументал бинолар ва савдо иншоотлари билан ажралиб турар эди.

Ҳар бир тарихий даврда жамоат марказлари, бинолар таркиби, шаҳарда жойлашиши, қурилиш услуби ва бинолар масштаблилиги билан фарқ қилар эди. Ўтган собик шўролар шаҳарсозлигида жамоат марказлари тантанали услубда ташкиллаштирилар эди. Шаҳар марказларида катта майдон ажратилар эди. Бунга мисол Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги бош майдонларни келтириш мумкин. Магистрал кўчалар келиб шу майдонларга туташар эди.

Бугунги кунда жаҳонда инсонлар учун экологик тоза муҳит яратиш тенденцияси кенг аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, шаҳарларни экологик тоза муҳитга айлантириш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади. Жамоат ва тураржой бинолари атрофларини кўкаламзорлаштириш, сув ҳавзалари ва фавворалар билан бойитиш бу йўлдаги биринчи қадам

ҳисобланади. Жумладан, энергия сақловчи технологиялардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бу борада Данияда кўплаб бинолар энергия сақловчи тизимга ўтказилган ва келажакда бутун шаҳарлар шу тизимга ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ҳозирги даврдаги шаҳарларнинг улкан тезликлар билан ривожланиши натижасида шаҳарсозлик режа асосида эмас, балки тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Бу масалада шаҳар бош архитекторининг фаолияти асосий рол ўйнайди. Бош архитектор шаҳарнинг меъморий қиёфаси, яхлитлиги, ансамбл тарзда лойиҳалаштиришга ҳаракат қилиши керак. Жумладан, турли даврларда шаклланган шаҳар қисмларининг яхлитлигини сақлаш жуда муҳим ҳисобланади. Масалан, Лондон шаҳрида ХХІ аср бошида осмонўпар биноларнинг қурилиши шаҳар тарихий қисмидан узоқда олиб борилди. Аммо яқин йилларда шаҳар тарихий қисмида ҳам осмонўпар биноларнинг сийрак тарзда қурилиши шаҳар тарихий қисмининг қиёфасига путур етказди. Шунини таъкидлаш керакки осмонўпар биноларнинг сийрак жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Уларни гуруҳланган “орол” тарзда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, Париж шаҳридаги Дефанс майдони атрофида жойлашган замонавий осмонўпар бинолар гуруҳи “орол” тарзда бир жойда шакллантирилган.

Шаҳарлар жамоат марказлари тизимида ансамбллари лойиҳалашда уйғунлик, бинолар композицияси ва элементларини яхлитликка бирлаштирадиган поғонали тизим ҳисобланади. Бу композициянинг эстетик сифати унинг пропорционаллигида ҳам намоён бўлади. Пропорционалликнинг эстетик қиммати нафақат унинг математик қонуниятларига, балки фазони ҳиссий қабул қилишнинг психик ва физиологик қонуниятлари билан ҳам белгиланади. Шу билан бирга, ансамблни ташкиллаштиришда фазовий муҳитнинг жамоат, тарихий ва моддий кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Пропорционаллик меъморий композициянинг тектоника ва ритм каби турлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, пропорционаллик, кўриш нуқталари ва перспектива билан боғлиқ. Шунинг учун пропорционалликнинг турли усуллари амалиётда қўллаш муҳим ҳисобланади.

Меъморий ансамбллари ҳозирги кундаги муаммолари бу шаҳарлар майдонининг кенгайиши, қурилиш ҳажмларининг ошиб кетиши, меъморий ечимларнинг стандартлашуви, шаҳар режавий структурасининг ўзгариши ва одамлар ҳаёт тарзининг ўзгариши ва кўриш тезлигининг ошганлиги билан белгиланади.

Ансамблсозлик тамойили асосида мафкуравий ва образли-бадий вазифалар ҳам ечилади. Шаҳарлар мунтазам ўзгарадиган объект бўлганлиги учун унинг ансамбллари шакллантиришда ҳар бир даврда муаммо пайдо бўлади. Шаҳар тизимида ансамбллар бирлаштирувчи ролни ўйнайди. Табиийки, бу муаммони ечишда нафақат объект доирасидаги изланишлар, балки меъморчилик назариясининг бошқа объектларнинг (жамоат бинолари, услублар, композиция, анъаналарнинг таъсири, ранглар гаммаси, фактура, нақш ва бошқалар) ҳамда шаҳарлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (структура, зоналаштириш, транспорт тизими, хизмат кўрсатиш инфраструктураси, тураржой ва саноат комплекслари ва шаҳар марказларининг шаклланишининг ўзига хослиги) каби муаммоларни ҳам комплекс равишда ўрганиш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/issues/prosperity/cities/>
2. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Ахмедов М.Қ. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг узвий ривожланиши ҳақида// Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. –Тошкент, 2007. – № 1. 8– Б.